



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 9 февраль, шанба • №11 (11.399)

• Эркин нархда сотилади

ВИЛОЯТ АЁЛЛАРИ КЕНГАШИБ ОЛДИЛАР

Тошкент вилоят хотин-қизлар кўмитасининг II-хисобот-сайлов конференциясида нафақат ўтган давр яқунлари таҳлил этилди, балки, хотин-қизлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ галдаги вазифалар ҳам белгилаб олинди

Илгари хабар қилганимиздек, вилоят хотин-қизлар кўмитасининг иккинчи хисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Адибахон Аҳмаджонованинг кўмитанинг 1997-2001 йиллар давомидаги фаолияти юзасидан қилган хисобот маърузасида ҳам, анжуманда сўзга чиққан Тошкент Давлат аграр университети проректори, профессор Лазиза Ғофурова, Янгийўл тумани «Нуроний» жамғармаси раиси Лола Аликулова,




вилоят меҳнат, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Турсумат Холбоев, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг оналик ва болалик масалалари бўйича ўринбосари Жанна Пахомова,

ва бошқаларнинг сўзларида ҳам Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ аёлларни эъозлаш, уларнинг соғлиги, билим олиши, ҳар томонлама камол топиши, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши, муҳими, оилада бола тарбияси билан

(Давоми 2-бетда).



Алишер Навоий таваллудининг 561 йиллигига



НАВОЙНИ ЎҚИБ, УЛҒАЙИШ КЕРАК

Кимга дунё керак, кимга обрў, бахт,
Юртга тинчлик, элга осойиш керак,
Тилакка етингиз, вале бир ўтинч,
Навоийни ўқиб, улғайиш керак.

Навоийнинг назми тафаккур нони,
Тотсанг нурга тўлар кўнгул осмони
Толиққан толибнинг дилга дармони
Навоийни ўқиб, улғайиш керак.

Кўнгул чаманига йўл ахтарганлар,
Дил ичра кўркавроқ дил ахтарганлар,
То абад ҳеч сўнмас гул ахтарганлар
Навоийни ўқиб, улғайиш керак.

Топмоқ истаганлар назмий дуони,
Кўнгулдан кўнгулга тушган зиёни,
Севишга ўргатар сизга дунёни
Навоийни ўқиб, улғайиш керак.

Улуғлик ахтарсанг гар ўзлгингдан,
Кувонмоқчи бўлсанг ҳур сўзлгингдан,
Лайли лутфин сўраб ой юзлгингдан,
Навоийни ўқиб, улғайиш керак.

Қадри кўкка сизмас қуш бўлгинг келса,
Маҳмуд мажнунликда хуш бўлгинг келса,
Бахтнинг болишида туш бўлгинг келса,
Навоийни ўқиб, улғайиш керак.

МАҲМУД ТОИР.

ОЙ БОРИБ, ОМОН КЕЛИНГ

Қарияларни эъозлаш, хизматларида бўлиб, дуоларини олиш аждодларимиздан мерос қолган азалий удумларимиздандир.

Янгийўл туманида ҳам нуроний отахон ва онахонлар иззат-ҳурматда. Куни кеча янгийўллик 20 нафар фахрийлар муборак Ҳаж сафарига йўл олдилар. Кузатиш маросимида йиғилганлар уларга оқ йўл тилашди. «Кутлуғ Ҳаж зиёратига боришимизга бегараз ёрдам кўрсатиб, ҳамма шароитларни

яратганликлари учун мутасадди идоралар раҳбар ва ходимларидан миннатдоримиз, – дейди «Деҳқонобод» маҳалласи фуқароси Мирза ота Омонов. – Шу кунларга етказганига шукур».

Сафарга кетаётганлар махсус автобусда аэропортга кузатиб қўйилди.

Ўз мухбиримиз.

БУНИ МУКОФОТ ДЕСА БЎЛАДИ

Яқинда Юқоричирчиқ тумани ҳокимлиги ташаббуси билан ўтган йилда қишлоқ хўжалигида қўлга киритилган улкан зафар яқунларига бағишланган «Ҳосил байрами» бўлиб ўтди.

Байрамга тумандаги барча ширкат хўжаликларидан 300дан ошиқ пахтакорлар, ғаллакорлар, пиллакорлар ҳамда кўплаб соҳа вакиллари таклиф этилиб, улар учун тўкин дастурхон ёзилди.

Унда иштирок этган Юқоричирчиқ тумани ҳокими Алишер Ғаппоров ўтган хўжалик йилида қўлга киритилган му-

ваффақиятга катта ҳисса қўшган 100га яқин илғорларга гилам ва эсдалик совғаларини топширди.

«Гулистон» ширкат хўжалигининг 20-бригадаси бошлиғи Шарифа Ҳамидовага эса, энг катта мукофот – «Тико» автомашинасининг қалити топширилди.

Сандмаҳмуд АБДУЛЛАЕВ.

Бугунги сонда:

ЖАРАЁН

Visa International халқаро тўлов ассоциацияси Ўзбекистонда ҳудудий процессинг марказини ташкил этишга тайёр.

ҲАЗАЛ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ

Алишер Навоийнинг бебаҳо маънавий мероси таркибдаги доно фикрлар бугунги кунимиз учун гоят муътабардир.

ШУНДАЙЛАР БОР БЎЛСИН

Ибротли ҳикоятларда келтирилишича, имонли, ҳалол, ўзгалар ҳақидан кўркүвчи кишиларгина тақдир томонидан давлат ва халқ хазинасини асраш, молия ишларига раво кўрилар экан.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА:

Сояси бир гектаргача майдонни эгаллайдиган фикус дарахтининг салқинида минг нафаргача киши дам олиши мумкин.

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

...Носиржон айтувлик бир оиланинг кизига уйланиб, тўқис яшамокда. Эру хотин ширинданшакар фарзандларини вояга етказишмоқда.

2-бет

3-бет

6-бет

7-бет

8-бет

ВИЛОЯТ АЁЛЛАРИ КЕНГАШИБ ОЛДИЛАР

шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, аёл ҳар бир киши кўнглини мунаввар қилувчи, оилага, қолаверса, бутун жамиятга аҳиллик, тотувлик, меҳр-оқибат улашувчи, бир сўз билан айтганда, муқаддас Ватанимизнинг улғуворлигини белгиловчи буюк зот эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Республикада ўзининг муайян ўрни, ўз салоҳиятига эга бўлган вилоятимиз кейинги беш йил мобайнида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам маданий ва маиший соҳаларда юқори кўрсаткичларга эришди. Бунда, албатта, ишлаб чиқаришда катта куч ҳисобланган аёлларимиз кўшаётган улуш салмоқлидир. Вилоятимиз аҳолисининг 50,4 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Бугунги кунда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш борасида қишлоқ хўжалигида 55943 нафар, соғлиқни сақлаш тизимида 42441 нафар, халқ таълимида 49269 нафар, халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида эса, 17743 нафар хотин-қизлар фидокорона меҳнат қилишмоқда. Айтиш пайтда 5625 нафар раҳбар аёлларимиз турли жабҳаларда ишламоқдалар.

Хотин-қизларимиз ҳар қандай қийин ва улғувор ишларни бажариш қудратига эга. Чунки, бизнинг момоларимиз ҳаммиша оқила, сиёсатдон, маслаҳаттўй, яхши она бўлганлиги тарихдан маълум. Бугунги кунда вилоятимизда яшаб, ижод қилаётган 157 нафар олимларнинг 13 нафари фан доктори, 73 нафари фан номзоди, шунингдек, 108 нафар илмий ходимлар, 20 нафар аспирант ва докторантлар фаолият кўрсатмоқдалар.

Шунингдек, халқ хўжалигининг турли соҳаларида астойдил меҳнат қилиб, айтиш дамларда кесалик гаштини сураётган ҳурматли онахонларимиз ҳам кўпчиликини ташкил этади. Чунончи, Бўка туманидан Робия Каримова, Бўстонликдан Наталья Солдатова, зангиоталик Тожихон Мелибоева, Юқоричирчиқ туманидан Иззатой Султонова сингари онахонларимиз номларини ҳурмат ва эҳтиром билан эслаб ўтаемиз. Шунингдек, айтишимиз керакки, вилоятимизда тўрт нафар аёл Олий Мажлиснинг, етти нафари вилоят Кенгашининг, 76 нафар аёлларимиз туман ва шаҳар кенгашларининг депутатларидир.

Вилоятимизда аср билан тенгдош 131 нафар муҳтарам онахонларимиз роҳат ва фароғатда

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳаёт кечирмоқдалар. Айтиш пайтда 25 ёшгача бўлган иқтидорли қизларни рағбатлантириш мақсадида республика Президентининг Фармони билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши ёшларимиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Бугунги кунда икки нафар ижодкор қизларимиз: Ўрта-чирчиқ туманидаги 14-мактаб ўқувчиси Рухсора Тўлабоева, Паркентдаги 12-мактаб ўқувчиси Гулноза Турғунбоевалар ана шундай юксак мукофот соҳибаси бўлганликларини айтиш кифоя.

Миллий қадриятларимизга зид, тараққиётимизга тўсиқ бўладиган иллатларнинг олдини олиш бўйича жойларда «Исломот оила ва аёлнинг роли», «Аёл ва дин», «Ҳаёт гулгун болалар билан», «Хушёрликка даъват», «Ватан саждагоҳ каби

Жумладан, «Оила» кодексига кўрсатилганидек қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, қизларни эрта турмушга чиқариш юзасидан «Соғлом авлод учун», «Болалар» хайрия жамғармалари билан ҳамкорлик-



муқаддасдир» сингари қатор мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар, амалий семинарлар ҳамда фаоллар иштирокида йиғилишлар ўтказилди.

Вилоятимизда юздан зиёд миллат вакиллари истиқомат қилади. Улар орасида миллатлараро тотувлик, дўстлик ришталари узвий боғланган. Ўндан ортиқ миллат ва элат вакилларининг миллий маданият марказлари фаолият кўрсатмоқда. Масалан, Оқўрғон туманида корейс, қозоқ, туркман, Юқоричирчиқ, Зангиота, Тошкент туманларида қозоқ, Олмалик, Чирчиқ шаҳарларида рус, татар миллий маданий марказлари фаолият кўрсатмоқда. Бекобод шаҳрида эса, корейс, рус миллий-маданий марказлари билан ҳамкорликда байналмилал дўстлик клуби ташкил этилган.

Соғлом авлод дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда вилоятимиз миқёсида бир қатор ишлар амалга оширилди.

да барча шаҳар ва туманларда ёшлар ўртасида 12,5 минг соатлик маърузалар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди. «Соғлом авлод учун» жамғармасининг тиббий-ижтимоий патронаж гуруҳи томонидан 36 минг 321 нафар ҳомиладор аёллар, 17 минг 352 нафар кичкинтойлар тиббий кўриқдан ўтказилдилар. Болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг таълим олиши ва ҳар томонлама камол топиши учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб бериш юзасидан вилоятимиздаги мавжуд 893та мактабларда хотин-қизлар кўмитаси халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида турли хил тўғарақлар, ўқув услубий курслар ташкил этилди.

Оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёш оилаларга ижтимоий масалаларни ечишда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида вилоят «Оила» илмий-амалий маркази тузилди.

Жойларда ўтказилган бундай чора-тадбирлар натижасида оилалар ажрими кўрсаткичи анча пасайганлигини айтиб ўтиш жоиз. 1997 йили 3379 оила ажрим бўлган бўлса, 2001 йили бу кўрсаткич 2040тани ташкил этди. Бироқ, айрим шаҳар ва туманларимизда бу борадаги кўрсаткич ҳамон юқориликча қолаётти. Жумладан, Охангарон шаҳрида ажримлар 2000 йилга нисбатан 21тага, Юқоричирчиқ туманида 12тага, Бўстонлик туманида 34тага кўпайган. Кўриниб турибдики, мазкур ҳудудлардаги хотин-қизлар кўмиталари, маҳалла фа-



оллари бу борада етарлича иш олиб боришмаяпти.

Хулоса қилиб айтганда, навбатдаги вазифалар ҳар бир фуқарога жамиятимиз маънавияти ривожига никоҳнинг мустаҳкамлиги катта аҳамиятга эга эканлигини ўқтириш, ҳар бир оилада соғлом, мафкуравий муҳитни шакллантиришдан иборатдир.

Тўғри, вилоят хотин-қизлар кўмитасининг ўтган беш йил мобайнидаги иш фаолияти сарҳисоб қилинар экан, унинг ишида бир қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги конференцияда алоҳида таъкидлаб ўтилди. Хотин-қизлар ўртасида аъналаримизни акс эттирувчи миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш галдаги вазифалардан биридир. Фарзандларимизни етук ва баркамол қилиб тарбиялашда оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини жонлантириш вилоят хотин-қизлар кўмитасининг жойлардаги бўлимларининг асосий вазифаларидан бири эканлиги ҳам ўқтириб ўтилди.

Конференцияда кўмитанинг шаҳар ва туман бўлимлари фаолиятининг бошқа масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Анжуманда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шавкат ҚУЛИБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

СУРАТЛАРДА: конференция фаолиятининг лавҳалар.

Аида САИТОВА олган суратлар.

Visa Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтирмоқда

Visa International халқаро тўлов ассоциацияси Ўзбекистонда ҳудудий процессинг марказини ташкил этишга тайёр.

Бу ҳақда Ўзбекистон Банклар ассоциациясида бўлиб ўтган "Visa International - МДХ давлатларида карточкали тўлов тизимини ташкил этиш асоси" мавзусидаги семинар-тақдимот давомида маълум қилинди.

Ушбу семинардан олдин Visa International делегациясининг республика Марказий банки ва тижорат банклари вакиллари билан учрашувлари бўлиб ўтди. Наттижада, ассоциациянинг Москвадаги ваколатхонаси бош директори Лу Наумовскийнинг берган хабарига кўра, томонлар Ўзбекистонда Visa ҳудудий процессинг марказини ташкил этиш гоёси ҳар томонлама мақбул, деган фикрга келишди.

Айтиш пайтда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва "ЎзДЭУбанк" Ўзбекистон-Корея қўшма банки Visa тўлов ассоциациясининг аъзолари ҳисобланади.

ЎЗА муҳбири.

Ўқув дастурларининг янги авлоди

Шу кунларда пойтахтимизда «Давлат таълими стандартлари асосидаги ўқув дастурлари, муаммолар, изланишлар, ечимлар» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Буюк Британия кенгаши томонидан ўтазилаётган мазкур анжуманда республикамизда умумий ўрта таълим соҳасида ўқув дастурларининг янги авлодини яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш масалалари муҳокама қилинмоқда.

Семинарда республикамиз мактабларида янги ўқув дастурларини амалиётга татбиқ этиш борасида қўлга киритилган ютуқлар, юзага келган муаммолар ва уларнинг ечими, дастурларнинг молиявий таъминоти ва бошқа масалалар юзасидан қизгин баҳс-мунозаралар бўлмоқда.

«Туркистон-пресс».

ОЛИМЛАР ТАВСИЯСИ БИЛАН

«Фан ва тараққиёт» республика илмий-техника мажмуаси олимлари саноат ишлаб чиқариши билан боғлиқ кўплаб композицион материалларни тайёрлаш билан яқиндан шуғулланишмоқда.

Шу мақсадда илмий марказ вилоятимиздаги бир неча корхоналар билан ҳамкорлик шартномасини тузди.

Илмий даргоҳнинг «Композицион материаллар механика ва технологияси» лабораториясининг Бектемир пахта заводи билан бу соҳадаги алоқаси ҳам самарали бўлмоқда. Яқинда композицион материалларнинг янги намуналари мазкур корхонага тақдим этилди. Ангрендаги «Резинотехни-

ка» ишлаб чиқариш бирлашмаси буюртмаси ўз вақтида адо этилмоқда. Бу хил материаллар резинотехника буюмларини тайёрлаш сифатида ижобий таъсир кўрсатади.

Чирчиқ трансформатор заводи билан ҳам янги буюртмалар олинди. «Композицион материаллар физика ва технологияси» лабораторияси мутахассислари уни тайёрлаб беришни ўз зиммаларига олишди.

Акбар АЛИЕВ.

ЙЎЛСОЗЛАР

Бу жамоа таркибига ҳаммаси бўлиб 77 нафар ишчи-хизматчи бирлашган. Улар кам сонли бўлишларига қарамай Тошкент туманида катта ҳажмдаги ишларни бажарадилар. Унинг ҳудудидан ўтган, аҳоли манзилгоҳларию қишлоқларини бир бирига боғлайдиган катта-кичик йўлларнинг ҳаммасига хизмат қилишда, таъмирлашда, янгиларини қуришда.

Ўтган йил туманда 77 километр узунликдаги йўллар тўла таъмирланди. Уларнинг 6,8 километри янги асфальт билан қопланди. 40 километр йўл юзасига сиртки ишлов берилиб, созилди. Шунингдек, қатор иншоотлар ҳам барпо этилди, жумладан, иккита автобекат, йўлқалар қурилди.

Йўлсозлар орасида кўп йил ишлаб, катта тажриба орттир-



ган бригадир Мансур Сидикбоев, ҳайдовчилар Собит Ҳайитов, Ботир Орифжонов, тракторчи Комил Салимов, грейдерчи Фозил Қурбоновлар иш тажрибаларини ёшларга кунт билан ўргатишда.

СУРАТДА: Тошкент тумани автотўл бошқармаси раҳбари Обид Тулаганов ва грейдерчи Фозил Қурбонов иш юзасидан ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Алишер Навоий таваллудининг 561 йиллигига

ШОИРГА ИЛҲОМ
БАХШ ЭТГАН СИЙМО

Мустақил давлатимиз фуқаролари, айниқса ёшларнинг маънавий-ахлоқий дунёсини бойитиш ва маърифатлантиришга эътибор кундан-кунга кучайиб бораётган, мустақиллик мафқураси заминини яратишга интилаётган ҳозирги босқичда ҳазрат Навоийнинг барҳаёт меросидан сабоқ оладиган, унинг умумбашарий ғоялари ва ўғитларига қулоқ солиб, амал қиладиган нурли жиҳатлар ниҳоятда кўпдир.

Навоий яшаб, ижод этган XV асрнинг иккинчи ярмидан буён қанчадан қанча олим шуаролар, машойихлар, ақлу дониш соҳиблари бу муборак зот ҳақида таърифу таҳсинлар, асарлар, хотиралар ёздилар. Навоийнинг буюк хизматлари ўзгача эъзозланаётган бугунги кунларда унинг меросини, муборак қарашларини чуқур ўзлаштириш алоҳида аҳамият касб этаётди.

Буюк Навоийнинг ота-она, опа-сингил, хусусан муборак аёл зотиға катта ва чексиз ҳурмат билан қараганлигини уқтириб ўтиш жоиздир. Навоий ўзининг қатор асрларида бу мавзуга қайта-қайта мурожаат этиб, доно ва гўзал аёлларнинг бетакрор тимсолларини яратганлиги маълум. Унинг «Хамса»дек монументал асарининг ўзидаёқ Меҳинбону, Ширин, саройдаги билимдон, дилкаш қизлар, Лайли, Навфалнинг қизи, Дилором, Гулчехра, малика Меҳр («Меҳр ва Суҳайл» ҳикояти), Искандарнинг онаси, Искандарнинг сеvimли рафиқаси Меҳрнос, Равшанақ, «Лисон-ут-тайр» дostonи таркибидаги «Шайх Санъон» ҳикоятида Каъбанинг шайхулмашойихи Шайх Санъоннинг баланд бир қасрда нигоҳи тушиб; севиб қолган тарсо қиз ва бошқалар Навоийнинг аёллар сиймосини нечоғлиқ юксак эҳтиром билан ифодалаганлигидан далолатдир.

Бизнинг назаримизда, Навоий доно маликалар Меҳинбону, Меҳрнос, Искандарнинг оқила онаси образларини яратишда, шунингдек, дoston ва лирик асарлари таркибида тез-тез ялт этиб кўзга ташланувчи оналар, аёллар, оқила ва дилбар қизлар, оила, севги, вафодорлик, садоқат ҳақидаги шеър, лавҳа, байт ва пандномаларни ижод этишда, ҳеч шубҳасиз, мусулмон Шарқининг донишманд аёллари, шоиралари, давлат таянчлари ҳақидаги тарихий маълумотлардан, биринчи навбатда те мурийлар салтанатининг бош маликаси, гўзаллик ва доноликда тенгсиз Сароймулжоним ҳақидаги ҳақиқатлардан фой-

даланган.

Шуниси аниқки, гарчанд Навоий асарларида Сароймулжонимнинг, унинг ақл-заковати, садоқати, Соҳибқирон саройи ва умуман улкан давлат тақдирини тутган мавқеи ҳақида очиқ сўз юритилмаса ҳам, бадиий ижод қонуниятини ва табиатига кўра турли тўқима ҳамда рамзий воситалар орқали унинг сиймосига дахлдор тасвирлар берилгандир. Те мурийлар, шу жумладан те мурийзода маликалар, улар ичида биринчи навбатда Бибиҳоним, Навоий яратган ёрқин образларга тимсол бўлиб хизмат қилганлиги аниқ. Шу боис Навоийнинг эпик, лирик ҳамда илмий-филологик, тарихий-мемуар асарлари таркибида Сароймулжонимга ўхшаш тамкин, доно аёллар улугланди, уларга хос жамики гўзал фазилатларга таърифлар келтирилди. Далилларга мурожаат этиш бу ҳақиқатни тўла-тўқис тасдиқлайди.

Навоий ўзининг муборак ҳадисларидан бирида:

*Оналар оёғи остидадур,
Равза жаннату жиннон боғи.
Равза боғин висолин*

истар эрсанг,

Бўл онанинг аёғи туфроғи, — пандини келтиради. Унда шоир она таъзимига илоҳий тус беради. Онанинг кадр-эътиборини, муқаддаслигини жаннат боғидан, унинг гўзаллигига мушарраф бўлишдан ҳам афзалроқ кўради. Она рози-ризалиги ва дуосининг фарзанд учун нақадар улуглигига ишонтириш мақсадида Навоий унга Муҳаммад Расулulloх ҳадисларига мос мазмун бағишлайди. Бадиий илмида «Илм ўзлаштирмоқ» маъносини англутувчи иқтибос санъати бордур. Унинг бадиий ижодда панду ҳикматларни, мақол, матал ва сермаъно мажозий ибораларни келтириб сўзлаш санъати бўлмиш «Ирсоли масал» санъати билан ўхшашлиги бор. Иқтибосда кўпроқ Куръони Карим ва Пайғамбаримиз ҳадисларига мурожаат этган. Ҳазрат Навоийнинг ота-оналар ҳақидаги бу ўта пурҳикмат тўртлиги — ҳадис Пайғамбаримизнинг «Ал жаннату тақба аҳдаи умма хабикули», яъни «Жаннат оналар оёғи остидадур» ҳадиси таърифнинг Навоий наз-



мида бадиий сайқал топган ифодасидир.

Шундай доно ўғитлар Навоийнинг сермаъно рубоийлари мажмуаси саналмиш «Назм ул жавоҳир» асарини ҳам келтирилган. Навоий наздида ота-она энг муқаддас зотлардандир. У исломиётдаги «ота-она рози» деган улуг бир эътиқоддан келиб чиқиб, ёшлардан комилликни, фаросатни, диёнатни, садоқатни талаб қилади:

*Иста ато йўлида фидо
жон қилмоқ,
Куллуқ анога ҳам унча имкон
қилмоқ.
Зухди абад истасанг фаровон
қилмоқ,
Бил ани ато-анога эҳсон
қилмоқ.*

Навоийнинг аёлларга нисбатан бўлган ўта те ран ахлоқий, таълимий қарашлари унинг буюк дидактик асарларидан бири «Маҳбул кулуб»да ҳам келтирилгандир. Шу асарнинг «Уйланиш ва хотинлар тўғрисида» деб номланган ўттиз иккинчи фаслида Навоий оилада ўзаро ҳурмат, диёнат, садоқат, вафо ва файзу барокот масалалари ҳақида доно фикрларни илгари суради, ўзининг ҳаётий хулосаларини беради.

Шунинг боиси буюк инсон Алишер Навоий ўз асарлари ҳамда фалсафий-тасаввуфий, таълимий қарашларида ота-она ва аёлларнинг, хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролига алоҳида аҳамият беради. У араб (алифбосида) алфозида — тилида куёш маъносиде ишлатилувчи «Меҳр» сўзида оналарнинг, аёлларнинг нурли сиймосини кўради, уларни муносиб тарзда эъзозлашга даъват этади. Ҳазрат Навоий ота-онани юксак даражада қадрлаш билан бирга ўзи пок, кўзи пок, тамкин аёлларни, ҳаёли, билимли, назокатли, хушхулқли қизларни шараф гавҳарининг қони деб билади. Алишер Навоийнинг бебаҳо маънавий мероси таркибидеги бундай доно фикрлар бугунги кунимиз учун ҳам ғоят мўтабардир.

Раҳмонқул ОРЗИБЕКОВ,
профессор.

«ТУРОН»ДА
ҒАЗАЛ
ОҚШОМИ

«Турон» илмий-универсал кутубхонасида ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 561 йиллигига бағишлаб, «Ғазал оқшоми» анжумани ўтказилди.

Ўздан зиёд мухлисларнинг юрагиде илиқ таассурот қолдирган бу кечада академик Бахтиёр Назаров, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, адабиётшунос олимлар Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев, Хамиджон Хомидий, Ўзбекистон халқ артистлари Зикир Муҳаммаджонов, Насиба Қамбарова

ва бошқалар улуг шоир ижодидаги муҳим фазилатлар, унинг ҳаётидаги диққатга сазовор нуқталар тўғрисида сўзладилар.

*Ўз мухбиримиз.
СУРАТЛАРДА: анжумандан
лавҳалар.*

**Даврон АҲМАД олган
суратлар.**

«НИҲОЛ» ТУҲФАСИ

Яқинда Янгийўл шаҳридаги Абу Али ибн Сино номли тиббиёт коллежида Алишер Навоий таваллудига бағишланган вилоят адабиётшуносларининг илмий-адабий конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуманни тиббиёт фанлари номзоди, коллеж директори Хусниддин Раҳмонов кириш сўзи билан очди.

Филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академияси Тил-адабиёт институти тил тарихи деонтология бўлими мудир Баҳром Бафоев, шу бўлимнинг катта илмий ходими Насиба Шоимова, вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари муовини Абдураҳмон Норқобилов, шу бўлим раҳбари

Солижон Бойматовлар сўзга чиқиб, Алишер Навоийнинг буюк хизматлари ҳақида илмий маърузалар қилишди.

Конференция қатнашчиларида тиббиёт коллежининг «Ниҳол» адабий-бадиий тўғараги қатнашчилари томонидан ижро этилган сахна кўринишлари, ёш ижодкорлар беллашуви, ғазалларни ифодали, маҳорат билан ўқишлари катта таассурот қолдирди.


Пардавой ЭРҒАШЕВ.

АДИБ ИЖОДИДА
ЁШЛАР КАМОЛОТИ

Ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 561 йиллиги муносабати билан жойларда қатор тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Ана шундай кечалардан бири Ангрендаги вилоят педагогика институтида ҳам бўлиб ўтди.

Унда навоийшунос ҳамда адабиётшунос олимлар ва институт талабалари иштирок этдилар.

Тадбирда Навоий асарларида илгари сурилган ғоялар, фалсафий фикрлар атрофича муҳокама қилинди. Айниқса, ёшлар тарбияси, уларнинг камолоти билан боғлиқ жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Талабалар иштирокида Навоий асарларидан сахна кўринишлари намойиш этилди.



Ғарибий ким? Қайси даврда яшаган? Шу пайтгача бугунги ўзбек китобхонларининг бу каби саволлари асосан вақтли нашрлардаги айрим мақолалар билангина қаноатлантириб келинган эди. Энди биз

НАВОИЙ ҚАЛБИДАН ЖОЙ
ОЛГАН ШОИР

«Шарқ» нашриёт-матбас акциядорлик компанияси Бош таҳририяти яқинда Шоҳғариб Мирзо Ғарибийнинг «Девон»ини босмадан чиқарди. Уни Халқаро Бобур мукофоти лауреати Шафиқа Ёрқин нашрга тайёрлаган. «Девон» сўзбошиси ҳам шу олима қаламига мансуб. Унда «Девон»нинг топилиши, тавсифи, Ғарибий, унинг даври ва ижодига назар баён этилган.

муҳтасар жавобга эгамиз.

Ғазал мулкининг султони Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарини Ғарибийнинг шахси ва шеърлари ҳақида илк муфассал маълумот беради. Маълумки, XV-XVI асрлар тарихида Шарқ уйғониш даври сифатида тилга олинади. Турли тарихий манба-

ларда бу давр маданият тарихининг олтин даври сифатида таърифланади. Зеро, Те мурий шоҳлару шахзодалар фанни, санъатни, адабиётни ривожлантиришга катта эътибор берар эдилар. «Мажолис ун-нафоис»да бутун бир боб уларнинг шу саъй-ҳаракатларига бағишланган.

Ғарибий, аввало, Султон Хусайн Бойқаронинг фарзанди, иккинчидан, кучли шоир бўлгани учун ҳам Алишер Навоийнинг меҳру ҳурматиға сазовор бўлиб, унинг қалбидан жой олган эди. Шу боис «Фарҳод ва Ширин» дostonида ҳам Ғарибийнинг кичик ёшдан шеър ёзишда улуг ёшли шоирлардан кучлироқ эканлиги, камолидаги малохату фасоҳат, зотидаги билимдонлигу зеҳнидаги ўткирлигини тавсиф этади.

Шундай қилиб, аввало, Навоий асари орқали номи ва таърифи бизгача етиб келган Шоҳғариб Мирзо Ғарибийнинг «Девон»и қўлимизда. Энди унинг пурмаъно ғазалларини қониқиш ила ўқурмиз.

Жўрабек МУРОДОВ.

DUSHANBA

11

«Ўзбекистон» телеканал

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан душанба, 11 февраль кунин «Ўзбекистон -1» телеканал кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.
15.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
15.25 «Туртинчи хохимият».
15.45 «Ошин». Телесериал.
16.15, 17.00 ТВ-анонс.
16.20 «Яккама-якка жанг». Спорт дастури.
16.40 «Қалб гавҳари».
17.05 «Кино оламида».
17.35 Эстрада тароналари.
17.55 ТВ-маркет.
18.00 Янгиликлар
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».

18.25 «Мулк».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.15 Ёшлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.30 2002 йил - Қарияларни кадрлаш йили. «Париси бор уй».
22.00 «Спорт, спорт, спорт».
22.20 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 66-қисм.
22.45 «Ахборот-дайжест».
23.05-23.10 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси...
10.20 Мультфильм.
10.45 Якшанбада кўришгунча.
11.00 «Давр»-хафта ичида.
11.30 Жаҳон жуғрофияси.
12.20 Ўзбекистон дурдоналари: Тошкент.
12.30 Давр-news.
12.50 Мели Юсуф. «Чеча». Аббор Хидоят-тов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
14.25 Автосалтанат.
14.40 «Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.25 Мультфильм.
15.45 Қули гул уста.
16.05 «Ахмад қаерда?». Бадий фильм.
17.30 Спорт ҳафтано-маси.

17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50 «Янги авлод» почтаси, «Билагон маслаҳати».
18.20 «Ака-ука Гримм эртакла-ри». Мультсериал. 18-қисм.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 Ҳандалак плюс.
19.45 Ўзбегим кураши.
20.05 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Намозов куйлайди.
20.25 Ёшлар овози.
20.45, 21.15, 22.30 Ёшларлар
20.50 «Эсмералда». Телесериал.
21.20 XX аср шеърятидан. Миртемир.
21.25 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Тунги тароналар.
22.40 «Муҳаббат

қавҳаси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интер-футбол.
23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.50-00.55 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экранни. «Болакай ва Карлсон», «Карлсон қайтди». Мультфильм-лар.
18.15 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 20.00, 21.25, 22.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳаммаша Селеста».
19.10 «Тап-тортмас-лар». Хужжатли фильм. 11-қисм.
19.35, 21.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Авто-news».
20.20 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».

21.40 «Муסיкий мехмонхона».
22.35 Кинонигоҳ. «Мижоз».
00.20-00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».
17.30 «Юрагимнинг ёрқин юлдузи». Сериал.
18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.25 М. Евдокимов хузурида мехмонда.
19.00 «Мени куттил».
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?». Телеўйин.
21.00 «Время».
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.15 «ТВ-4да Немис тўлкини».
22.35 Кинематограф. «Шляпа». Бадий фильм.

00.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-КАНАЛ
16.55 га қадар профи-лактика.
17.00 Дастурнинг очилиши.
17.05 «30-канал»да хужжатли кино.
«Одам ва денгиз».
17.45, 20.35 - «Теле-хамкор».
18.10 «Хаёт икки-чиркилари». Телесериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Итальянча никоҳ». Комедия.
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.20 «Ошиқона». Муסיкий дастур.
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Иж одамлари».
23.15 «Тез ёрдам». Телесериал.
24.00 Ярим тунда спорт.

SESHANBA

12

«Ўзбекистон» телеканал

«Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Камалак».
Болалар учун кино-дастур.
9.30, 11.10 ТВ-метео.
9.35 «Куйла, ёшлигим».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Жонли камалак». Бадий фильм.
11.15 Биржа ва банк хабарлари.
11.25 «Фаррух ва Зумрад». Мультфильм.
11.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
12.05 «Аския».
12.35 «Мулк».
12.55 «Париси бор уй».
13.25, 13.55 ТВ-анонс.
13.30 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал. 66-қисм.

14.10 «Спорт, спорт, спорт».
14.25 «Рангин дунё».
14.45 Кундузги сеанс: «Изтопар». Бадий фильм.
16.10 Ўзбекистон халқ артистлари.
16.35 «Болаликнинг мовий осмони».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Ёлғончилар қасри». Мультфильм.
18.25 «Баркамол авлод орзуси».
18.45 «Инсон ва қонун».
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.25 Ёшлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сиёсат олами-да».
21.30 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.

21.55 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.25 «Мувозанат».
23.00 «Ахборот-дайжест».
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси: «Билагон маслаҳати».
9.45 «Ака-ука Гримм эртакла-ри». Мультсериал. 18-қисм.
10.10 Саломатлик сирлари.
10.30 «Эсмералда». Телесериал.
10.55 Муסיкий лаҳзалар.
11.05 Жаҳон цирки. «Массимо».
12.05 Кинотакдим.
12.25 Интерфутбол.
14.00 Ёшлар овози.
14.20 «Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.05 «Озод юрт фарзандлари». Видеофильм.

15.20 Олтин мерос.
15.25 «Бугдойзорлар оралаб», Бадий фильм.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
17.05 «Ака-ука Гримм эртакла-ри». Мультсериал. 19-қисм.
17.30 Солиқ ҳақида сабоқлар.
17.45 Минг бир маслаҳат.
18.05 Ватан манзарала-ри.
18.25 Автопатрул.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Давр»-интервью.
19.55 Сифат белгиси.
20.05 Марду майдон.
20.25 Ёшлар овози.
20.45, 21.15, 22.30 Ёшларлар
20.50 «Эсмералда». Телесериал.
21.20 XXI аср шеърятидан. Салим Ашур.
21.25 Ҳандалак.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.35 Олтин мерос.
22.40 «Муҳаббат қавҳаси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури:
23.45 «Давр». Ахборот дастури.
00.00 «Икки минг йилдан сўнг» Хужжатли сериал.
00.20-00.25 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экранни. «Жуманжи». Мультфильм. 1-қисм.
18.30, 20.00, 21.50, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳаммаша Селеста».
19.10 «Тап-тортмас-лар». Хужжатли фильм. 12-қисм.
19.35, 21.10, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Интерспорт».
20.20 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
21.25 «Ибрат».
22.40 Кинонигоҳ. «Амазония».

00.00-00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».
17.30 «Юрагимнинг ёрқин юлдузи». Сериал.
18.20 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.25 Е. Петросяннинг «Кулги панорамаси».
19.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Заиф бугун». Шоу ўйин.
21.00 «Время».
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.20 «CNN шоу».
22.35 Кинематограф. Жан Маре «Бургунд қасрининг сирлари» фильмида.
00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.45, 20.35 - «Телехамкор».
9.30, 14.15 - Болалар

соати.
10.25 «Жунжикиш». Сериал.
10.50 «Жанговар санъат олами». Спорт дастури.
11.20 «Иблис боласи». Телесериал.
12.00 «Қарама-қаршилиқ». Сериал.
13.30 «Майами Сэндс». Телесериал.
15.10 Кундузги кинозал. «Унингчи киролик». 1-серия.
16.50 «Футурама». Мультсериал.
17.15 «30-канал»да хужжатли кино. «Таймслот». Хужжатли сериал.
18.10 «Хаёт икки-чиркилари». Телесериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Муҳлис». Мелодрама.
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.20 «Ошиқона». Муסיкий дастур
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Киё-фадос».
23.15 «Тез ёрдам». Телесериал.
24.00 Ярим тунда спорт.

CHORSHANBA

13

«Ўзбекистон» телеканал

«Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Соз сеҳри».
9.20, 12.25 ТВ-метео.
9.25 «Мувозанат».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Алифбо сабоқ-лари.
10.25 «Мио, болагинам Мио». Бадий фильм.
12.05 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
12.30 «Тафсилот».
12.50 «Баркамол авлод орзуси».
13.10 «Ринг». Спорт дастури.
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.35 «Қишлоқ ҳаёти».
14.55 ТВ-анонс.
15.00 Кундузги сеанс:

«Доктор Жекил ва мистер Хайднинг саргузаштлари». Бадий фильм.
16.25 «Ягона оилада».
16.55 «Инсон ва қонун».
17.15 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
17.40 «Яккама-якка жанг». Спорт дастури.
18.10 «Миттивойлар оиласи».
18.35 «Тилга эътибор».
18.55 Бир жуфт кўшиқ.
19.05 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 «Тиббиёт одим-лари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Парламент вақти».
21.20 «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамблининг концер-ти.
21.50 «Спорт, спорт,

спорт»
22.05 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.35 «ТВ-клуб».
23.00 «Ахборот-дайжест».
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
9.35 «Ака-ука Гримм эртакла-ри». Мультсериал. 19-қисм.
10.00 Давр-интервью.
10.15 «Эсмералда». Телесериал.
10.40 Солиқ ҳақида сабоқлар.
11.55 Муסיкий лаҳзалар.
11.05 Ёшлар овози.
11.25 Болалар экранни: «Бананлар».
12.00 Хайрат.
12.20 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.
13.00 Ватан манзарала-ри.
13.20 «Кусто команда-

сининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
14.05 Олов билан юзма-юз.
14.20 «Кузги марафон». Бадий фильм.
15.50 Автопатрул.
16.10 Кўрсатувлар дастури.
16.15 «Янги авлод» студияси...
16.45 «Ака-ука Гримм эртакла-ри». Мультсериал. 20-қисм.
17.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.00 «Мени тушун». Телеўйин.
18.25 Далил ва шарҳ.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ракурс.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 Муסיкий лаҳзалар.
20.20 Очил дастурхон.
20.35 Ҳазил соғинчи.
20.55, 21.25, 22.30 Ёшларлар
21.00 «Эсмералда». Телесериал.

21.30 Чемпион сирла-ри.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Тунги тароналар.
22.40 «Муҳаббат қавҳаси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интер-футбол.
23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.50-00.55 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экранни. «Жуманжи». Мультфильм. 2-қисм.
18.30, 20.00, 21.25, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳаммаша Селеста».
19.10 «Тап-тортмас-лар». Хужжатли фильм. 13-қисм.
19.35, 21.10, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Дурдона».
20.20 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».

21.40 «Дорихона эшитида». Бевосита мулоқот.
22.55 Кинонигоҳ. «Жаноб Бин».
00.25-00.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».
17.30 «Юрагимнинг ёрқин юлдузи». Сериал.
18.20 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.25 Машхурлар. Шон-шухрат синови-да.
19.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
19.55 «Сўнгги қахра-мон».
21.00 «Время».
21.35 «Қалб қанотла-ри». Сериал.
22.20 «Кун мавзуси».
22.35 Кинематограф. «Кишки ов гашти». Бадий фильм.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.45, 20.35 - «Телехамкор».
9.30, 14.15 - Болалар соати.
10.25 «Жунжикиш». Сериал.
10.50 «Яхши кайфият». Муסיкий-дам олиш дастури.
11.20 «Иблис боласи». Телесериал.
12.00 «Қарама-қаршилиқ». Сериал.
13.30 «Майами Сэндс». Телесериал.
15.10 Кундузги кинозал. «Унингчи киролик». 2-серия.
16.50 «Футурама». Мультсериал.
17.15 «Ноу-хау-шоу». Маърифий дастур.
18.10 «Хаёт икки-чиркилари». Телесериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Қонундаги ўғриллар».
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.20 «Ошиқона». Муסיкий дастур.
21.30 Ҳинд киноси. «Девор».

PAYSHANBA

14

«Ўзбекистон» телеканал

«Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектеле-фильм» намоиши: «Муסיқа оҳанглари».
9.10 ТВ-метео.

9.15 «ТВ-клуб».
9.40 «Ринг». Спорт дастури.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Тиббиёт одим-лари».
10.15 «Қирол Лир». Бадий фильм. 1-қисм.
11.20 «Мулк».
11.40 «Ўзбекистон бастакорлари».
12.05 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».

13.15 «Спорт, спорт, спорт».
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 Болалар учун. «Қушигим», жон қушигим».
14.35 Кундузги сеанс: «Мутлақ устунлик билан». Бадий фильм.
15.50 «Озода бўлса шаҳринг».
16.05 «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамблининг концер-ти.
16.35 «Кўнғироқгул». Мультфильм.
16.50 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».

17.15 «Буюк аждодларимиз: Заҳириддин Муҳаммад Бобур».
17.40 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 Болалар учун. «Кўзмунчок».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.55 Ёшларлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртакла-ри.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».

21.05 «Бугуннинг гапи».
21.25 Эстрада тарона-лари.
21.55 «Рухият манзарала-ри».
22.30 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 67-қисм.
23.00 «Ахборот-дайжест».
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси...

9.45 «Ака-ука Гримм эртакла-ри». Мультсериал 20-қисм.
10.10 Тафаккур ёлқин-лари.
10.25 «Эсмералда». Телесериал.
10.50 Спорт китъаси.
11.20 Сенинг вақтинг.
11.40 Жаҳон цирки. «Массимо».
12.30 Ракурс.
12.50 Интерфутбол.
14.20 «Мени тушун». Телеўйин.
14.45 Сифат белгиси.
14.55 «Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.40 Ҳазил соғинчи.

Мирзо Бобур.
16.00 «Одам бўлмайдими». Бадий фильм.
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» студияси: Бахтли болалик.
18.00 «Ака-ука Гримм эртакла-ри». Мультсериал. 21-қисм.
18.25 Табат олами-да.
18.45 Оқшом навола-ри.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 «Давр»

интервью.
19.50 Мусликий лаҳзалар.
20.00 Ёшлар овози.
20.20 XXI аср шеърятдан. Омон Матжон.
20.25 Мезон.
20.45, 21.15, 22.30 Ёлонлар
20.50 «Эсмералда». Телесериал.
21.20 «Парвоз». Видеофильм.
21.40 Олтин мерос. Мирзо Бобур.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.35 Олтин мерос.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.
23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.50-00.55 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.15 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Мультфильм.
18.15 «Аёл - она, мураббий, раҳбар»

телеклуби.
18.30, 20.00, 21.25, 22.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамшиша Селеста».
19.10 «Тал-тортмаслар». Хужжатли фильм. 14-қисм.
19.35, 21.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Эйтикод».
20.20 ТТВда сериал: «Бибилиска пул».
21.40 «Аждодлар руҳини ёд этиб...»
22.35 Кинонигоҳ.

«Плезантвил».
00.20-00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 7.30-9.00
17.00 Курсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».
17.30 «Юрагимнинг ёркин юлдузи». Сериал.
18.20 «Бугун оламда». Ахборот курсатуви.
18.25 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий журнал.
19.00 «Муҳаббат замини». Сериал.

20.00 «Заиф бўгин». Шоу ўйин.
21.00 «Время».
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.20 «Соккер клуб».
22.40 Кинематограф. «Изқувар Пуаро». Бадий фильм.
00.20 «Ахборот» (рус тилида)
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 - «Телехамкор».

9.30, 14.15 - Болалар соати.
10.25 «Жунжикиш». Сериал.
10.50 «Яши кайфият». Мусликий-дам олиш дастури.
11.20 «Иблис боласи». Телесериал.
12.00 «Қарама-қаршилиқ». Сериал.
13.30 «Майами Сэндс». Телесериал.
15.10 Кундузги киносеанс. «Унинг қироллик». 3-серия.
16.50 «Симпсонлар». Мультсериал.
17.15 Кино, кино, кино.

18.10 «Ҳаёт иқир-чиқирлари». Телесериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Севиб қолган малика».
21.00 «Хайрли тун, қичқинтойлар!».
21.20 «Ошиқона». Мусликий дастур.
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Такси». Саргузашт фильм.
23.15 «Тез ёрдам». Телесериал.
24.00 Ярим тунда спорт.

JUMA

15

«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Сўзана ва чинни буюмлар».
9.15 «Олтин мерос».
9.35, 10.50 ТВ-метео.
9.40 «Бугуннинг гапи».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилıklar
10.05 «Ғаройиб ҳамроҳ». Теленовелла.
10.30 «Нафосат гулшани».
10.55 «Кирол Лир». Бадий фильм. 2-қисм.
12.05 «Қувноқ шаҳарча». Телевизион ўйин.
12.30, 12.55, 13.55 ТВ-анонс.
12.35 «Китоб жавониргизга».
13.00 «Муслиқа ва театр».

13.30 «23.5 даражали бурчак остида». Телесериал. 67-қисм.
14.10 «Озод юрт одамлари». Бадий-публицистик курсатув.
14.30 Кундузги сеанс: «Бузоқ йили». Бадий фильм.
15.45 «Моҳият».
16.00 «Ҳазил, ҳажвия, хангома».
16.20 «Инсон ва қонун».
16.40 «Ёшлик шиддати». Спорт дастури.
17.00 «Рухият манзаралари».
17.35 «Ов». Мультфильм.
18.10 «Тафсилот».
18.25 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Зиё» студияси намоиш этади: «Эйтикод мустақамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Бир жуфт кўшиқ».

20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
21.30 «Спорт, спорт, спорт».
21.45 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба. «Ошин». Телесериал премьераси.
22.15 «Олтин бешик».
22.45 «Олам». Телеальманах.
23.15 «Ахборот-дайжест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Курсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Бахтли болалик.
9.40 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал. 21-қисм.
10.05 «Давр»-интервью.
10.20 «Эсмералда». Телесериал.
10.45 Мусликий лаҳзалар.
10.55 Мезон.
11.15 Ўзбегим кураши.
11.35 Мультфильм.
11.45 Ёшлар овози.
12.05 Интерфутбол.
13.40 Минг бир маслаҳат.

14.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
14.45 Олтин мерос. Мирзо Бобур.
14.55 «Пилигрим кемасининг капитани». Бадий фильм.
16.25 Курсатувлар дастури.
16.30 «Янги авлод» студияси: Олтин калит, Боланинг тили.
17.00 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал. 22-қисм.
17.25 Муттойба.
17.55 Автосалтанат.
18.10 Ёшлар овози.
18.30 Оқшом наволари.
18.40 Фарзандим-жигарбандим.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ҳуқуқ ва бурч.
20.00 Мусликий лаҳзалар.
20.10 Аср қиёфаси.
20.30 Азизим.
20.55, 21.25, 22.30 Ёлонлар
21.00 «Эсмералда». Телесериал.
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Тунги тароналар.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари.
00.05 «Давр». Ахборот дастури.
00.20 «Икки минг йилдан сўнг». Хужжатли сериал.
00.40-00.45 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
17.15 Курсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болалар учун. «Қуралай».
18.20 Мультфильм.
18.30, 20.00, 21.25, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамшиша Селеста».
19.10 «Тал-тортмаслар». Хужжатли фильм. 15-қисм.
19.35, 21.10, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Авто-news».
20.20 ТТВда сериал: «Бибилиска пул».
21.40 «XXI аср ёшлари».

22.40 Кинонигоҳ.
«Нотр-Дамлик букри».
00.05-00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
РЖТ 7.30-9.00
17.00 Курсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».
17.30 «Юрагимнинг ёркин юлдузи». Сериал.
18.20 «Бугун оламда». Ахборот курсатуви.
18.35 СFI тақдим этади: «Бешинчи ўлов».
19.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Муъжизалар майдони».
21.00 «Время».
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.20 «Дурдаршан».
22.45 Кинонинг олтин асри: «Рим империясининг инқирози». Бадий фильм. 1-қисм.
00.15 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очилиши.

9.05, 17.45, 20.35 - «Телехамкор».
9.30, 14.15 - Болалар соати.
10.25 «Жунжикиш». Сериал.
10.50 «Яши кайфият». Мусликий-дам олиш дастури.
11.20 «Иблис боласи». Телесериал.
12.00 «Қарама-қаршилиқ». Сериал.
13.30 «Майами Сэндс». Телесериал.
15.10 Кундузги кинозал. «Унинг қироллик». 4-серия.
16.50 «Симпсонлар». Мультсериал.
17.15 «Шоҳид». Хужжатли сериал.
18.10 «Ҳаёт иқир-чиқирлари». Телесериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Ойи».
21.00 «Хайрли тун, қичқинтойлар!».
21.20 «Ошиқона». Мусликий дастур.
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Такси - 2». Саргузашт фильм.
23.15 «Тез ёрдам». Телесериал.
24.00 Ярим тунда спорт.

SHANBA

16

«Ўзбекистон» телеканал
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Муслиқа бўстони».
9.15, 11.00 ТВ-метео.
9.20 «Зиё» студияси намоиш этади: «Эйтикод мустақамлиги йўлида».
9.40 «Тафсилот».
9.55 «Теледүмбоқчалар». Мультфильм.
11.05 «Бахтимизга омон бўлинг».
11.25 «Спорт, спорт, спорт».
11.40 «Маърифат». Телеальманах.
12.00, 16.55 ТВ-анонс.
12.05 «Олтин бешик».
12.35 ТВ-театр: «Отелло». Спектакль. 1-қисм.
14.00 «Қорақалпоқнома».
14.25 «Дунё эшиклари очилди бизга».
14.45 «Яши кайфият».
15.15 ТВ-театр:

«Отелло». Спектакль. 2-қисм.
16.25 «Ягона оилада».
17.00 Болалар учун. «Саргузаштлар асри». Видеофильм. 1-қисм.
17.25 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
17.45 «Муъжизалар майдончаси». Телевизион ўйин.
18.35 «Рангин дунё».
18.55 «Пазандалик сирлари».
19.05 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёлонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилıkları» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Соғлом она - соғлом бола».
21.25 «Шанба оқшомида».
«Тунги ёғду» дам олиш кинодастури:
21.50 «Ўзбекистон»

каналда биринчи марта «Катта бойлик дардида». Бадий фильм. 1-қисм.
22.50 «Ахборот-дайжест».
23.10 «Катта бойлик дардида». Бадий фильм. 2-қисм.
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
7.55 Курсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: Олтин калит, Боланинг тили.
9.30 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал. 22-қисм.
9.55 Табобат оламида.
10.15 «Эсмералда». Телесериал.
10.40 Аср қиёфаси.
11.00 Вилоят ёш хонандалари куйлайди.
11.15 Ёшлар овози.
11.35 Мультфильм.
11.50 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари.
12.50 Бола тилидан.
13.20 Кутилмаган меҳмон.
13.40 «Полиция комиссари». Телесериал.
14.30 Ҳандалак.

14.55 «От эгаси». Видеофильм.
15.25 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис. Телесериал.
16.05 «Рамаёна». Телесериал.
16.40 Курсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: «Имкон». Телеўйин.
17.20 «Мульттомоша».
17.50 Ёшлар овози.
18.10 Футбол плюс.
18.30 Бизнес-академия.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 Каталог.
19.45 «Давр»-интервью.
20.00 Юлдузлар чехраси.
20.30 Хайрат.
20.50, 21.45, 22.30 Ёлонлар
20.55 «Полиция комиссари». Телесериал.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Тунги тароналар.
22.40 ТВ-саёҳат.
23.00 «Фаришталар шаҳри». Бадий фильм.
00.45-00.50 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал
17.15 Курсатувлар тартиби.
17.20 Мультчархалак.
17.40 Болалар экранлари. «Кема ҳалокатига учраганлар».
19.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.30 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».
20.00, 21.15, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
20.15 «Саломатлик маскани».
20.30 «Жаҳон географияси».
21.30 «Мисли гавҳар».
21.45 «Ташриф».
22.20 Кинонигоҳ.
«Тутси».
00.00-00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 Курсатувлар тартиби.
9.05 «Дурдаршан».
9.30 «Соккер клуб».
9.50 «Мульттомоша».
10.10 Е. Петросянинг Кулги панорамаси.
10.45 «Лаззат».
11.05 «СFI янгилıkları».
11.15 «Инглиз тили Сиз

учун». Болалар учун курсатува.
11.40 «Хикоя».
12.00 «Экран зийнати ва қиймати».
12.25 Дўстлик видеоканали: «Саҳий хонадонда», «Немис шарҳи», «Чинсэн».
13.25-13.55 «Немис тили».
17.00 Курсатувлар тартиби.
17.05 «Бинафша».
17.25 СFI тақдим этади: «Сирелла».
Балет.
18.05 «Британия қундалиги».
18.20 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий курсатув.
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.00 «Сўнгги қаҳрамон».
21.00 «Время».
21.30 «Олам бўйлаб».
22.15 «Музик холл».
22.40 Кинематограф. «Тезлик завқи». Бадий фильм.
00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.45, 20.30 - «Телехамкор».
9.30 «Питер Пен». Мультсериал.
10.00 Фильм-болаларга. «Руслан ва Людмила». 1-серия.
11.30 «Алекс Макнинг сирли олами». Сериал.
12.00 Ойлави кино. «Оқ Бим, қора қулоқ». 1-серия.
13.40 «Баффи». Телесериал.
14.30 Хинд киноси. «Гуру». Мелодрама.
16.40 «Яширин камера билан». Ҳажвий дастур.
17.00 «Ўз ўйини». Теле-шоу.
18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Хелло-унин: 20 йил ўтган».
19.50 «Ошиқона». Мусликий дастур.
20.00 «Агентлик». Сериал.
21.00 «30-канал» да детектив соати.
21.45 «30-канал» кинооқшоми: «Қизил Сайёра».
23.30 Мусликий дастур. «Pink Floyd».

YAKSHANBA

17

«Ўзбекистон» телеканал
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 ТВ-метео.
9.15 «Ғаройибот».
9.30 «Леопольднинг саргузаштлари». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
11.55 Сиртқи телевизион олимпиада.
12.15 «Цирк, цирк, цирк».
12.35 «Қўҳна замин оҳанглари».
12.55 Телевизион миниатюралар театри.
13.30 «Пазандалик сирлари».
13.40 «Муъжизалар майдончаси».

14.30 ТВ-1 кинотеатри: «Бошсиз чавандоз». Бадий фильм.
16.05 «Муҳофаза».
16.15 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
16.35 Болалар учун. «Саргузаштлар асри». Видеофильм. 2-қисм.
17.00 «Оқ олтин». Телелотерея.
17.35 «Талабалик йилларим».
17.55 «Янгисидан бор». Юмористик курсатув.
18.15 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.35 «Олам футбол».
18.55 «Бир жуфт кўшиқ».
19.05 «Туртинчи хокимият».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ёлонлар
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга».
21.45 «Шунчаки ҳазил».

Якшанба кинозали:
22.20 «Кино оламида».
22.50 «Икки соҳил - икки тақдир». Бадий фильм.
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
7.55 Курсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Имкон». Телеўйин.
9.35 Футбол плюс.
9.55 «Давр»-интервью.
10.10 Ёшлар овози.
10.30 «Заковат». Интеллектуал ўйини.
11.25 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марду майдон. 2. Аскар мактублари.
12.05 Очил дастурхон.
12.20 Хоразм наволари.
12.35 Азизим.
13.00 «Полиция комиссари». Телесериал.
13.50 Чемпион сирлари.
14.10 Интерфутбол.
15.45 Қишлоқдаги тенгдошим.
16.05 «Рамаёна».

Телесериал.
16.40 Спорт ҳафтано-маси.
16.55 Курсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: Ким эгчилу? Ким чакқон?
17.25 Якшанбада қиришгунча.
17.40 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.30 Очун.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр. Ахборот дастури.
19.20 ТВ-анонс.
19.25 Жараён.
19.50 Оила тилсими.
20.15, 21.10, 22.30 Ёлонлар
20.20 «Полиция комиссари». Телесериал.
21.15 Ватан ҳақида кўшиқ.
21.20 «Зинама-зина».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.35 Тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Қорда адашганлар». Бадий фильм.
00.15-00.20 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал
17.15 Курсатувлар тартиби.
17.20 «Эртақларнинг сехри олами».
19.00 «Спорт-тайм».
19.20 «Телефакт».
19.30 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».
20.00, 20.45, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
20.15 «ТВ плюс».
21.00 «Шаҳар қиёфаси». Бевоисита мулоқот.
22.15 «Радиус 21».
22.35 Кинонигоҳ.
«Йўлдаги ўчовлон».
00.05-00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»
«Халқаро» телеканал
9.00 Курсатувлар тартиби.
9.05 «Кайфият». Дам олиш дастури.
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Ҳамма уйдалигида».
11.10 «Кутқарувчилар». Тезкор ёрдам.
11.40 Болалар соати:

«Истеъодли гўдақлар». Бадий фильм.
13.10 FCN «Ўзбекистон янгилıkları» (инглиз тилида)
13.20 «7дан 70гача».
13.55 «Парле ву франс?»
14.20-15.20 «Дўстлик» видеоканали: «Айнурек», «Дидар».
17.30 Курсатувлар тартиби.
17.35 «Менинг шаҳрим».
17.50 «До-ми-соль шоу». Болалар учун дастур.
18.30 «Ы» операцияси ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари» кинокомедияси.
20.20 «Ўз-ўзига режиссёр».
21.00 «Етти кун». Ҳафта якунлари.
21.25 «Тенгдошлар».
21.55 «Кинопрофи».
22.15 Кинематограф. «Шарпа овчилари». Бадий фильм.
23.50 «Тахлилнома».
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ
9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 11.30, 17.45, 20.30 - «Телехамкор».
9.30 «Питер Пен». Мультсериал.
10.00 Фильм - болаларга. «Руслан ва Людмила». 2-серия.
12.00 Ойлави кино: «Оқ Бим, қора қулоқ». 2-серия.
13.40 «Баффи». Телесериал.
14.30 Кундузги кинозал. «Ўқ уз». Жангари фильм.
16.10 «30-канал» да қизиқарли учрашувлар.
17.00 «Ўз ўйини». Теле-шоу.
18.10 «30-канал» кинооқшоми. «Туй машашалари». Комедия.
19.50 «Ошиқона». Мусликий дастур.
20.00 «Агентлик». Сериал.
21.00 «30-канал» да детектив соати.
21.45 «30-канал» да якшанба кинооқшоми. «Само урушлари».

Шундайлар бор бўлсин

ҲАЁТ МАЗМУНИГА АЙЛАНГАН ҲАВАС

Ибрatли ҳикоятларда келтирилишича, имонли, ҳалол, ўзгалар ҳақидан кўрқувчи кишиларгина тақдир томонидан давлат ва халқ хазинасини асраш, молия ишларига раво кўрилар экан. Эсини танишиданоқ уларда шу касбга ҳавас уйғонар экан. Бу ривоятларда, албатта, жон бор.

Наримон Каримовнинг банк ва ҳисоб-китоб ишларига қизиқиши болалигидаёқ уйғонган.

Ўрта мактабни тугатгач, ҳеч иккиланмай Тошкент ҳисоб-кредит техникумига ўқишга кирди ва уни муваффақиятли тугатиб, иқтисодчи мутахассислигини эгаллади. Меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Давлат банкининг Бобут бўлимида бошлаб, кейинчалик Ангрен, Ўртачирчиқ ва бошқа туманлар бўлимларида давом эттирди.

Ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент халқ ҳўжалиги институтини ҳам битирди. У билимдон иқтисодчи эканлиги, ташаббускорлиги ва ишга чанқоқлиги билан устозлари ва ҳамкасблари назарига тушди. 1975 йилда Наримон Каримов Ўзбекистон

Давлат банкининг Ўртачирчиқ тумани бўлими бошқарувчиси вазифасига тайинланди. Кейинчалик Қашқадарё вилояти бўлими бошлиғи, «Ўзагро-саноатбанк» бошқаруви раиси ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки бошқаруви раиси вазифаларида меҳнат қилди.

Маълумки, банкларнинг изчил ва тўхтовсиз ривожланиб бориши макроиқтисодий барқарорлик гаровидир.

Мамлакатимизда 1993 йили республика валюта биржаси ташкил этилди. Ушбу гоят масъулиятли бош директорлик вазифаси ҳам Наримонга ишониб топширилди.

Республика валюта биржаси ўша йилнинг май ойидаёқ валюта савдосини ташкиллаштирди. Республикаимизда хусусий банкларнинг пайдо бўлиши кенг

кўламда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар маҳсули бўлиб, бу банк соҳасида ҳам мулкдорлар синфи шаклланишига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил апрель ойидаги «Хусусий банкларни ташкил қилишни рағбатлантириш тўғрисида»-ги Фармони асосан ташкил этилган «Алп Жамол банк» хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки 1998 йил март ойидан мижозларга хизмат кўрсата бошлади. Унинг фаолиятини йўлга қўйишда Наримоннинг ҳам муносиб хизматлари бор.

У бошқарув раиси ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатиш билан бирга ёш мутахассисларга мураббийлик ҳам қилмоқда. Унинг шогирдлари бугунги кунда республикаимиздаги кўпгина банкларда муваффақиятли иш олиб боришяпти.

Айтгандек, Наримон қатта оиланинг меҳрибон бошлиғи ҳамдир. Фарзандлари ҳам унинг касбини танлашди. Умида «Ўзбекистон-Туркия» қўшма банкида, Наргиза «Алп



Жамол банк»да, Феруза ҳам шу соҳада хизмат қилишмоқда. Феруза айни пайтда АҚШда малакасини ошираёпти.

— Бозор муносабатлари шароитида мижозлар бизга эмас, балки биз уларга боғланган бўлишимиз лозим, — дейди Н. Каримов. — Янги шаклланиб келаётган мулкдорлар синфига хизмат кўрсатиш, улар олдидаги муаммоларни ҳал этишда кўмакчи ва ҳамкор бўлиш банк сиёсатининг асосий йўналишлари

ридан ҳисобланади. Шу мақсадда мазкур банк фаолиятини кенгайтириб, бешта хорижий банк билан вакиллик алоқалари ўрнатдик. 850дан ортиқ мижоз билан америкий валютада амалиёт юритяпмиз.

Наримон Каримов яқинда қутлуг ёшга тўлди. Биз унинг яна кўп йиллар ҳормайтолмай меҳнат қилиб, ҳамма орзу-ниятларига етишига, фарзанд ва невараларига бош бўлиб юришига тилакдошмиз.

Талъат ЮСУПОВ.

Халқаро семинар

Миллий матбуот марказида Олий Мажлис Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси АҚШ Халқаро ривожланиш агентлигининг (ЮСАИД) «Глобал» лойиҳаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларининг «Хамкор» тармоғи, Халқаро нотижорат ҳуқуқ маркази билан ҳамкорликда «Хайрия тўғрисидаги қонунлар — нодавлат нотижорат ташкилотлари барқарор ривожланиши асоси» мавзусида семинар ташкил этди.

Тадбир қатнашчилари икки кун давомида «Хайрия фаолияти ва хайрия ташкилотлари тўғрисида» ва «Хайрия фаолияти тўғрисида»-ги қонунлар лойиҳаларининг ҳуқуқий асослари, мазмун-моҳияти, мақсад-вазифаларини муҳокама этди. Шунингдек, хайрия фаолияти қонунчилиги борасида тажриба алмашди, хайрия ташкилотларини очиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, молиялаш ва солиққа тортиш муаммолари юзасидан фикр-мулоҳаза юритади.

Анжуманнинг биринчи куни Олий Мажлис қўмитаси раиси Акмал Саидов, ЮСАИДнинг Ўзбекистон ва Туркменистон бўйича «Глобал» ривожланиш учун таълим лойиҳаси директори Брайан Блок ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Замон ЭШОНҚУЛОВ,
ЎЗА муҳбири.

Вилоятнинг пахтачилик туманлари хўжаликларидида 2002 йил баҳорги экиш мавсумида ишлатиладиган техника воситаларининг тайёрлигини текширувдан ўтказиб, қабул қилиб олувчи ишчи гуруҳ январь ойининг ўрталарида вилоят бўйича умумий аҳволга яқун ясаб, хулоса чиқарди. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар юзасидан қўшимча вазифалар белгилаб, хўжаликларнинг мутасадди раҳбар ва мутахассисларига етказди.

Ишчи гуруҳнинг хулосасига кўра кўкламги экиш мавсумида ишлатиладиган техникаларни таъмирлаш ишлари вилоят бўйича олганда чакки эмас. Сеялка ва улардаги мосламаларни истисно қилганда, барча техника воситалари экишга 95-100 фоиз тахт қилиб қўйилган. Бироқ гуруҳ йиғилишида Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Пскент, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ, Куйичирчиқ туманларидаги айрим хўжаликларнинг раҳбарлари бу муҳим тадбирни оқилона ташкил этишни уddалай олмаётганликлари кўрсатиб ўтилди.

Чунончи, Оққўрғон туманидаги «Қонқа» хўжалигида сеялкаларнинг 78 фоизи, шу жумладан плёнка остига чигит экадиган агрегатларнинг 50 фоизи ишга яроқли деб топилди. Бўка туманидаги Б.Умаров ва Улуғбек номли хўжаликлардаги чопиқ тракторларининг 78-88 фоизи комиссия томонидан қабул қилинди. Улуғбек номли хўжаликнинг машина-трактор саройи эса умуман, ташландиқ аҳволда.

Куйичирчиқ туманидаги Ҳамза номли хўжаликда 73 фоиз сеялка таъмирдан чиқарилган, холос. Абай номли хўжаликда эса техника воситаларини таъмирлашга тўлиқ киришилмаган. Хўжалик раҳбари ва бош муҳандис техникани таъмирлаш юзасидан чора-тадбирлар белгиламаган.

Айниқса, Пскент туманидаги Охунбобоев номли хўжаликдаги аҳвол ташвишли. Мавжуд сеялкаларнинг фақат 20 фоизига таъмирдан чиқарилган. Шунингдек, «Пскент» хўжалигида плёнка остига чигит экадиган агрегатларнинг 40 фоизига мавсумга тайёр.

Ўртачирчиқ туманидаги Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти-

ЧИГИТНИ қўлда ЭКМОҚЧИМИСИЗ?

нинг ўқув хўжалиги раҳбарлари «фаолияти» ҳақида алоҳида тўхталишга тўғри келади. Вилоят қабул комиссияси техникаларни мавсумга тайёрлаш ишлари пайсалга солинмоқда. Шундоқ ҳам 52та сеялка етишмай турган бир пайтда борларини эплаб таъмирлаб қўймаслик ноинсофликдир.

Ишчи гуруҳининг 2 февралга бўлган маълумотларига қараганда плёнка остига чигит экадиган сеялкаларнинг созносозлиги масаласида энг ташвишли аҳвол Оққўрғон тумани хўжаликларидида кузатилмоқда. Чунончи, туман бўйича мавжуд 56та сеялкадан 42таси таъмирдан чиқарилган. Қолган 14таси носоз. Жумладан, «Қахрамон» хўжалигида бтадан 5таси, «Озод» хўжалигида 4тадан 3таси, «Қонқа»да 2тадан биттаси созланмаган.

Бекобод туманида ўзи бор йўғи 29та шундай сеялка бор-ку, унинг ҳам 7таси ҳали таъмирдан чиқарилмаган. Шундан тўрттаси Улуғбек номли, иккитаси «Ўзбекистон» ва биттаси На-

манлари хўжаликларидидаги мавжуд плёнка остига чигит экиш сеялкаларини мавсумга тайёрлигини яна бир бор кўриб чиқди. Плёнка остига чигит экиш учун ажратилган 20 минг гектар майдонга нисбатан олганда жами 405та шундай агрегат талаб

воий номли хўжаликларнинг раҳбар ва мутахассислари айби билан ишга яроқсиз ҳолда ётибди.

Куйичирчиқ туманидаги айрим хўжаликларда ҳам аҳвол яхши эмас. Улар тумани ҳам орқага тортмоқдалар. Масалан, «Пахтачи» хўжалигида 5та сеялкадан учтаси, «Янги ҳаёт»да 3тадан 2таси, Беруний номли хўжаликда 4тадан 2таси носоз. Раҳбарлар эса баҳона тайёр — бутловчи қисмлар етишмайди. Қизик, бошқалар учун бор бўлган эҳтиёт қисмлар, буларга қолганда нима учундир топилмайди.

Пскент тумани хўжаликларидида мавжуд бўлган 41та сеялкадан бтаси ҳали носоз. Бунинг устига плёнка остига чигит экиш талабидан келиб чиқилмайдиган бўлса, 26та агрегат етишмайди. Ҳайдаров номли, Охунбобоев номли, «Қирққизобод» хўжаликлари қўшимча сеялкаларга, айниқса, муҳтож. Лекин, афсуски, бу хўжаликларда етишмайдиган сеялкаларнинг ўрнини тўлдириш масаласи ҳанузгача ҳал этилмаган.

Дарвоқе, вилоят бўйича етишмайдиган 52та сеялкани «Усунақурувчи» ҳамда Андижон механика заводлари билан шартномалар тузиш орқали келтириш мўлжалланган. Бироқ вилоят МТПлар бирлашмаси томонидан «Усунақурувчи» ва «Далварзин» таъмирлаш заводлари билан шартномалар тузиш тўғрисида пахтачилик туманлари ҳокимларига хат орқали муурожаат қилинганга қарамай, бу муҳим иш пайсалга солиб келинмоқда. Ваҳоланки, кўкламги экиш мавсумига биринчи галда сеялкалар шай қилиб қўйилиши зарур. Шу оддий ҳақиқатни тушунмаётган ёки тушуна туриб, оромини бузишни хоҳламаётган бундай раҳбарларнинг ҳатти-ҳаракатларини қандай баҳолаш мумкин? Ёки дўппи тор келиб қолганда, чигитни қўлда экишмоқчимизмики?


Абдусаммад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

Таҳлил ва сабоқ

XXI asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng songi xabarlar



Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арафот Исроил бош вазири Ариэл Шарон билан юзма-юз учрашишга тайёр эканини маълум қилди. У АҚШнинг Эн-би-си телеканалига интервью берар экан, ҳали ҳам тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлашни билдирди. Бироқ, айни пайтда Ёсир Арафот қароргоҳи Исроил армияси томонидан қамал қилинган. Шу боис Фаластин йўлбошчиси чорасиз ўтирибди.

Марказий разведка бошқармаси директори Жорж Тетнет Россия АҚШнинг ракетадан муҳофаза шартномасидан чиқишига қарши қандайдир чора кўриши аниқ, деб ҳисобламоқда. У мамлакат сенаторлари олдида сўзга чиқиб, Россия президенти Владимир Путин АҚШнинг ушбу қадами хато деганини назардан четда қолдирмаслик кераклигини таъкидлади.

БМТ Бош қотибининг Афғонистондаги махсус вакили Блаҳдар Браҳими Афғонистонда халқаро хавфсизлик кучлари сонини кўпайтиришни сўраб Хавфсизлик кенгашига мурожаат қилди. У кенгашнинг очиқ мажлисида сўзга чиқиб, халқаро кучлар нафақат Кобул ёки унинг агрофи, балки мамлакатнинг барча ҳудудида барқарорликни таъминлаши зарурлигини таъкидлади.


Индонезия соҳилларига "Крис" деб номланувчи даҳшатли довул ёпирилди. Хабарларга кўра, кучли жала сув тошқини ва ер кўчкиларини келтириб чиқарган. Табиий офатдан қурбон бўлганлар сони 125дан ошган. Довул айниқса Бали ва Ява оролига катта зарар келтирди. Одамлар бошпанасидан ажралди, минглаб гектар унумдор ер сув остида қолди.

ИШЛАРИ Энг, энг, Энг...

Буюк британиялик омилкор деҳқон Мел Эдни омади чопганлардан экан. Йўқса, у 7,03 килограмм пиёзни етиштириб, Гиннеснинг «Рекордлар китоби»дан жой олмаган бўлар эди.

Дунё деҳқончилиги тарихида бунданга ғаройиб-ажойиб ишлар учраб туради. Яна бир буюк британиялик деҳқон Бернарду Лейвери етиштирган карамнинг оғирлиги 56,24 килограммни ташкил қилди. Бу карам ҳам дунёда ягона ҳисобланиб, Гиннеснинг «Рекордлар китоби»дан жой олди.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ
тайёрлади.



Дунёнинг етти мўъжизасидан бири — Тожмаҳал.

ШРИ-ЛАНКА: ЯНГИ ҲУКУМАТНИНГ ЯНГИ СИЁСАТИ

18 йилдан буён этник урушларда кун кечириб келаётган Шри-Ланка халқи тинчлик даври яқин қолгани ҳақида гапирмоқда. Ўтган йилнинг декабрь ойидан мамлакатни янги ҳукумат бошқара бошлагани маълум.

У аввалги ҳукуматдан фарқли ўлароқ, оролда сиёсий муаммони музокаралар йўли билан ҳал этиш, тамил айирмачилари билан муроса қилиш йўлини тутажагини маълум қилганди. Ушбу баёнотнинг эътиборга лойиқ томони шундаки, музокара ҳеч қандай шартсиз бошланиши мумкин. Янги ҳукуматнинг бу ташаббусини мамлакатнинг "Тамил Илама" озодлик йўлбарслари ташкилоти билан ҳали-ҳануз муросага киришолмай келаётган президенти Чандрिका Кумаратунга ҳам қўллаб-қувватламоқда.

Расмий Коломбонинг тамил айирмачиларига муносабати янгича тус олаётгани орол аҳолиси ҳаётида ҳам, мамлакат иқтисодиётида ҳам ижобий ўзгаришлар ясаши табиий. Бундай хушxabардан кейин янги-янги таклифлар, баёнотлар эълон қилина бошлади. Жумладан, Шри-Ланка қуролли кучлари тамил жангариларини ўз таркибига қўшиб олиш эҳтимоли борлигини маълум қилди. Армия кўмондонларидан бири генерал-лейтенант Лайонел Балагалленинг таъкидлашича, бу таклиф юқори доираларда кўриб чиқилмоқда ва у Норвегия воситачилигида ўтадиган тинчлик музокаралари-

нинг асосий мавзуларидан бири бўлади.

Бир ҳафтача аввал эса бош вазир Ранил Викремасингхе "Тамил Илама" озодлик йўлбарслари ташкилоти фаолиятига қўйилган тақиқни бекор қилиш ҳақида гап очди. Агар бу ҳам амалга ошса, тамилчилар музокараларда қонуний сиёсий ташкилот сифатида қатнашиши мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Шри-Ланка сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар 18 йиллик урушга бирдангина барҳам бериш учун етарли эмаслиги равшан. Зеро, бош вазирнинг тинчлик ташаббуси, айирмачилар билан муроса қилиш истаги сиёсий доираларда турлича баҳоланмоқда. Тинчлик музокараларига хайрихоҳ бўлмаган сиёсий кучлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, мухолифатдаги Миллий бирдамлик альянси янги ҳукуматнинг ташаббусига совуққонлик билан қараб, тинчлик музокараларини қўллаб-қувватлаш ҳақида аниқ фикр билдирмади.

Воқеалар силсиласини кузатар экансиз, сиёсий гуруҳларнинг бир қарорга келолмаслиги табиийдек кўринади. Зеро 18 йиллик уруш мобайнида минглаб одамлар қурбон бўлди, халқ хўжалигига катта зарар етди. Устига-устак, ўтган даврда ҳам бир неча бор тинчлик музокаралари ўтказишга уринишлар бўлган. Лекин, мулоқот қайсидир томоннинг айби билан охирига етмай қолаверган. Оқибатда уруш алангаси янада кучаяр, қўпурувчилик, сиёсат арбобларига суиқасд уюштириш авжига чиқарди.

Ана шундай шароитда янги ҳукуматнинг янги ташаббуси, "Тамил Илама" озодлик йўлбарслари ташкилотини расман сиёсий гуруҳ сифатида тан олишга уриниш расмий Коломбо сиёсатида янги саҳифа очилаётганидан дарак бермоқда. Муаммони қурол эмас, муроса билан ҳал этиш йўли ҳар доим халқ томонидан қўллаб-қувватланган. Бинобарин, бу сиёсат янги ҳукуматнинг аҳоли орасидаги обрўсини сўзсиз оширади.

Сандмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

СОЯСИ БИР ГЕКТАРГАЧА БОРАДИ

Хиндистоннинг ўсимликлар дунёси жуда рангбаранг. Бу ерда ўсадиған субтропик дарахт — фикус ўзининг ғаройиб кўламлари билан кишини ҳайратга солади. Унинг танаси жуда кўп бўлади. Дастлабки танаси шохларидан пастга қараб буталар ўсади ва улар тупроққа етгач, иккиламчи йўғон танага айланади. Шундай қилиб, бундай дарахтнинг таналари кўпайиб боради ва мингтага етиши ва ундан ҳам ошиб кетиши мумкин.

Асосий танасининг йўғонлиги ўн метрдан ошиқроқ бўлади, иккиламчилари, учламчилари, тўртламчилари ҳам бор, улар икки, уч, тўрт метргача боради.

Дарахтнинг япроқлари ҳам йирик ва зич жойлашган. Шунинг учун ҳам у ташқи кўринишидан каттагина яшил тепаликка ўхшайди. Сояси бир гектаргача майдонни эгаллайди. Унинг салқинида минг нафаргача киши дам олиши мумкин.



100 КУН СУВСИЗ

Шимолий Американинг жануби-ғарбидаги кўлларда олмахоннинг ажайиб тури яшайди. Ниҳоят ҳаракатчан бу жонивор узоқ муддат сув ичмаслиги билан машхур. У юз кунгача об-ҳаётсиз яшай олади. Бир ой давомида сувсиз яшай олиши ҳаммага маълум бўлган ҳатто улкан туя ҳам унинг олдида ип эшолмайди. Табиий шароитга бундай мослашиш олимларни қизиқтирмоқда.



НАҚД 1.19 КИЛОГРАММ ТОШ БОСДИ

Энг катта саримсоқ пиёзни АҚШнинг Калифорния штатида истиқомат қилувчи деҳқон Роберт Киркпатрик етиштирган. Унинг томорқасида етиштирилган саримсоқ пиёзнинг бир боши оз эмас, кўп эмас нақд 1,19 килорамм тошни босган. Бу натижа ҳам ўз навбатида Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га киритилди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Турфа олам

Турфа олам

МУСОБАҚАЛАРГА СТАРТ БЕРИЛАДИ



Кеча АҚШнинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида XIX қишқи олимпиада ўйинларига старт берилди. Бугун эса, ўйинларнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади.

Дунёнинг 70 давлатидан келган спортчилар ўзаро беллашадилар.

Аввал хабар берганимиздек, улар орасида мамлакатимиздан олти нафар спортчи — Татьяна Малинина ҳамда Роман Скорняковлар муз устида якка ҳолда фигурали учиб бўйича баҳс юритадиган бўлсалар, Наталья Пономарёва ва Евгений Свиридовлар жуфт бўлиб фигурали учишда Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладилар. Тоғ чангиси бўйича Комил ва Элмира Урумбоевалар иштирок этадилар. XIX қишқи олимпиада мусобақалари 25 февралгача давом этади.

ПОЙГАЧИЛАР «КИШАН»ЛАНДИ

Солт-Лейк-Ситидаги қишқи Олимпиада қатнашчилари ва томошабинларни ўйинлар давомида анчагина янгиликлар кутмоқда.

Ташкилотчилар чанғи пойгасида беллашадиган спортчиларнинг масофани босиб ўтган вақтини аниқлашнинг янги йўлини топди. Энди чанғичиларнинг оёғига ўйинларга ҳомийлик қилаётган «Сейко» компаниясининг «кишан»лари солинади.

— Ушбу мосламалар спортчининг ҳар иккала оёғига тақилади, — дейди «Сейко» вакили Эндрю Бартон. — Чунки биз спортчилар мусобақани қайси оёқдан бошлаши ёки марра чизигини қайсиниси билан босиб ўтишини билмаймиз-ку.

Айрим мутахассислар анчагина синалган бу мосламанинг фойдали томонларини синашда шарчамапти. Айниқса, «Сейко» «кишанлари» оммавий стартга чиқадиган пойғачилар баҳсида аниқ маълумотларни олиш учун жуда асқотади.

УЕФА: ЯНГИ ТАРТИБ

Швейцариянинг Ньон шаҳрида ўтказиладиган Европа футбол ассоциациялари уюшмаси — УЕФА йиғилишида «кўҳна қитъа»нинг 64 етакчи жамоаси вакиллари УЕФА Кубоги баҳсларига сезиларли ўзгаришлар киритиш ҳақида келишиб олди.


Энди Чемпионлар Лигасининг бошланғич босқичларида мусобақадан чиқиб кетган жамоалар УЕФА Кубоги беллашувларига қўшилмайдиган бўлди. Бундан ташқари, мусобақа нуфузини ошириш учун жамоалар сони тўксон олтитадан олтимиш тўрттага қисқартирилди. УЕФА бош котиби Жерар Аньенинг таъкидлашича, янги тартибда жорий этиладиган бу мусобақани 2003 йилнинг кузига бориб ўтказиш мумкин. Чунки киритилган ислохотлар ҳали бир неча кўмита томонидан тасдиқланиши лозим. Бунинг учун эса, албатта, вақт керак.

СПОРТЧИЛАРИМИЗ ГУРУҲ ҒОЛИБИ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан шу йилнинг июль ойида Ғиждувон шаҳрида учқураш бўйича мусобақа ўтказилади.

Ҳозир эса ушбу мусобақанинг минтақавий босқичлари бўлиб ўтмоқда. Қуръа натижасига кўра, вилоятимиз вакиллари учинчи гуруҳда Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Жиззах вилояти спортчилари билан баҳс юритдилар. Жиззахда бўлиб ўтган бу баҳсда вакилларимиз спортнинг мерганлик, сузиш ҳамда югуриш турлари бўйича гуруҳ ғолиблигини қўлга киритдилар. Ғолибларга мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотнинг марказий кенгаши томонидан дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Буни ҳаёт дейдилар



БИРЛАШМАГАН ИРМОКЛАР

Носиржон билан Гулзода ёнма-ён қўшни. Ўрта деворда кичкина эшикчалари ҳам бор эди. Улар мактабда бир синфда ўқишарди. Бешинчи синфга ўтишганида, Гулзоданинг отаси бошқа тумандаги идорага бошлиқ бўлиб тайинланиб, кўчиб кетишди. Иттифоқ улар кутилмаганда ўқув юртида учрашишди.

— Гулзода, ўзингмисан, роса ўзгариб кетибсан-ку.

— Сизни танимай турибман, кимсиз? — ҳадиксираб сўради Гулзода.

— Нега танимайсан, ахир бир вақтлар ён қўшни-жон қўшни бўлган Носиржонман-ку.

— Э, сизмисиз, ўзингиз ҳам роса ўзгариб кетибсизда.

Улар гоҳ-гоҳ кўришиб туришди. Гулзода ўқишга кирди. Носиржон эса киролмади. Қишлоққа қайтиб, ишга жойлашди.

Йиллар тез ўтиб кетди. Гулзода ҳам ўқишни тугатиб, Носиржон ишлаётган корхонага ишга келди. Эски қўшнилари яна учрашишди.

— Мен сизларникига ойимни юбормоқчи эдим, Гулзода, нима дейсан?

— Нимага?

— Нимага бўларди... Носиржоннинг онаси

яхши ният билан эски қўшнисиникига йўл олди. Онаси билан бирга борган ўғли кўчада кутиб турадиган бўлди.

— Ассалому алайкум, Гулсарархон, — муҳташам ҳовлига кириб борди она. Бурчакда яп-янги машинасини юваётган Қамбаржон саломга тил учиди алик олди-да, мулозиматни ҳам унутиб, хотинидан олдин кинояли сўз қотди:

— Опажон, хуш келибсиз. Тенги чиқса текин бер, деган гап бор. Шу қизимизни ўқиган бирорта йигитга берсакми, деб турибмиз...

Бечора аёл ҳатто дарвозадан ичкарига ҳам кириш-

га мажולי қолмади.

— Вой, мен сизларни синалган, ёшлигидан иккаласи бирга ўқиган, деб, қолаверса, ўғлимнинг гапига кириб келган эдим, — деди зўра Носиржоннинг онаси хўрлиги келиб. Хуллас, бечора она тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтди.

Орадан кўп ўтмай «Гулзода ном-нишонсиз йўқолибди. Ота-онасининг бормаган жойи қолмабди» деган хабар тарқалди. Ярим йиллар чамаси ўтиб яна бир хунук гап чиқди: «Гулзода узоқ шаҳар-

га бетайин бир йигит билан қочиб кетган экан, яқинда фарзандлик бўлармиш. У йигитнинг оиласи, уч фарзанди бор экан. Қиз бечора увол бўлибди-да...»

Носиржоннинг онаси яқинда бир маърақада Гулсарани учратиб қолди.

У гапириб, юм-юм йиғлади: «Эссизгина, ўша пайтлар сиз эски қўшнимизни, Носиржонни менсимаган эдик, қизимнинг ҳаёти остин-устин бўлиб кетди. Ўша бечурд йигитдан туғилган болани биз олиб қолдик, ўзини қишлоққа узатдик. Куёвимиз роса ичадиган, арақхўр чиқди. Олдинги турмушдан ҳам шу сабабли ажрашган экан. Фарзанди, оиласи ҳақида сира ўйламайди денг... Шуни айтсалар керак-да, хўрлаган хор бўлади, деб. Кунора қизимга озиқ-овқат бериб юбораман. Икки фарзанди ҳам тарбиясиз ўсмоқда. Кўча-кўйда Носиржонни кўриб қолсам, ерга кириб кетгудек уяламан...»

Ҳаёт шундай экан-да. Носиржон айтувлик бир оиланинг қизига уйланиб, тўхис яшамоқда. Эру хотин шириндан-шакар фарзандларини вояга етказишмоқда.

Лутфиниса ОДИЛОВА.

Бекажон

ЎТКИР БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

* Ялтироқ ва кумуш идишларни нашатир спирти билан хўлланган жунли матода артсангиз, буюмлар ялтираб, жи-лоланади.

* Чарм пальто, сумка ва жомадонларни кир совун, нашатир спирти солинган сувда ювиб, канақунжут мойи билан хўлланган матода артсангиз, аслига қайтади.

* Сирли идиш ва товадаги куйиндиларни пичоқ билан тозалашнинг ҳожати йўқ. Яхшиси бу идиш-товоларни каттароқ идишга солиб, устидан сув куйинг. Унинг устига қирғичдан ўтказилган кир совун солиб, обдон қайнатинг. Шунда унинг кирларидан халос бўласиз.

* Сут узоқ вақт яхши сақланиши учун унга шакар солиб қайнатиб керак. Бир литр сутга бир чой қошиқ шакар солинса кифоя қилади.

* Ўтмасланиб қолган пичоқ тигини ярим соатча шўрроқ сувда ушлаб турилса, яна ўткир бўлади.

Матлуба МАҲМУДХЎЖАЕВА тайёрлади.

1987 йил Жетисой маданият оқартув билим юрти томонидан Сауле Тургиновна Жалтеева номига берилган ЛТ №120694 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Она ва бола саломатлиги

— доимий муҳофазада

«Экосан» халқаро жамғармасида Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Аёллар саломатлиги — ижтимоий-экологик ўлчамларда» мавзuida халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Унда тегишли вазирлик, идора, дипломатик корпус, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шифокорлар, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимизда

оила, она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши экани таъкидланди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга


Анжуман

доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ишларни янада кенгайтириш имконини бериши таъкидланди. Ушбу қарорда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда давлат ва нодавлат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар, хотин-қизлар кўмиталари ва кенг жамоатчилик вакилларининг биргаликда иш олиб бориши зарурлигига эътибор қаратилди.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎЗА муҳбири.

Bolalik bog'i

MENING CHO'PQIR TOYCHO'G'IM



Mening jiron toychog'im, Dikir-dikir o'ynaysan. Erkanib onangga, Sho'xigingni qo'ymayсан. Naq quyunday uchasan, Bo'lsang ham-ki bir oylik. Quloqlaring chimirib, Chopishlaring chiroylik.

Asom ZIYOMAT.

TOSHKENT HAQIQATI

Муассис Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълоқлар: 133-40-48, 136-57-27.

Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таърифоти компьютер марказида терилди ва саҳифоланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрлиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.